



---

---

**BUYRUQ / ПРИКАЗ**

**2022 йил 1 ноябрь**

**№ 32**

**Ангрен шаҳри**

**“Ангрен логистика маркази” АЖ  
хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори ижросини таъминлаш, “Ангрен логистика маркази” АЖ хизматчиси одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, хизмат соҳасида суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. “Ангрен логистика маркази” АЖ хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Ички меҳнат тартиб-қоидаларини ва бошқа идоравий ҳужжатларни ушбу буйруққа мувофиқлаштирилсин.
5. Белгилаб қўйилсинки, “Ангрен логистика маркази” АЖ хизматчисининг тасдиқланадиган идоравий одоб-ахлоқ қоидалари мазкур буйруқ билан тасдиқланган Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига зид бўлиши ёки улардан паст даражадаги талабларни назарда тутиши мумкин эмас.
6. Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий ёки бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланиши мумкин.
7. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Бош директор**

**Б.Абдураимов**

**“Ангрен логистика маркази” АЖ  
хизматчисининг одоб-ахлоқ**

**ҚОИДАЛАРИ**

- I. Умумий қоидалар
- II. “Ангрен логистика маркази” АЖ хизматчисининг хизматдаги хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари
- III. Манфаатлар тўқнашуви
- IV. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу “Ангрен логистика маркази” АЖ хизматчисининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, «Ангрен логистика маркази” АЖ хизматчисининг (кейинги ўринларда жамият хизматчиси деб аталади) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, жамият хизматчисини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

3. “Ангрен логистика маркази” АЖга ишга кираётган шахслар Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар.

4. Жамият хизматчиси қонун ҳужжатлари ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш раҳбар ходимнинг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

**II. РАҲБАР ХОДИМНИНГ ХИЗМАТДАГИ ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ АСОСИЙ  
ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ**

5. Жамият хизматчиси ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойилик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

6. Жамият хизматчиси қуйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топширикларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларида белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

Ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

Ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣй ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

норматив-ҳуқуқӣй ҳужжат ва идоравӣй ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоӣй гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоӣй барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек, ўз обрўсига, давлат ёки жамият нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

7. Сиёсий, иқтисодӣй жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек, шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар жамият хизматчисининг қонун ҳужжатлари талабларини ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

8. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, жамият хизматчисига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш тақиқланади.

9. Жамият хизматчиси коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт.

Жамият хизматчиси ўзининг юқори турувчи раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Жамият хизматчиси қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўйилмайди.

10. Жамият хизматчиси касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфӣйлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

11. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, жамият ёхуд унинг таркибий бўлинмасида маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаши ва жой-жойига қўйиши ҳолатларига йўл қўйилмайди. У гуруҳбозлик,

маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Раҳбар:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

12. Жамият хизматчилари ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа жамият хизматчилари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этишлари лозим.

Жамият хизматчилари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Жамият хизматчилари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан кўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда жамият хизматчиларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг жамиятга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

13. Жамият хизматчилари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

### **III. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ**

14. Жамият хизматчилари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви жамият хизматчиларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Жамият хизматчиларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек, улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда жамият хизматчилари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

15. Жамият хизматчилари ўзларининг ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги керак.

Жамият хизматчиси ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

Жамият хизматчилари ўз раҳбарини манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш мақсадида тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

16. Жамият хизматчиси лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

#### **IV. ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

17. Жамият хизматчиси томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

18. Жамият хизматчиси томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

19. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари махсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси, махсус таркибий бўлинма мавжуд бўлмаган тақдирда, жамият ходимларидан камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалалари жамият ижро органи томонидан тасдиқланган Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини махсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айни вақтда жамият раҳбарининг кўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган жамият хизматчисини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ комиссияси жамият хизматчисига нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Жамият хизматчилари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек, жамиятнинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## “Ангрен логистика маркази” АЖ Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида НИЗОМ

### ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИ, УНИНГ МАҚСАДИ

Ушбу низом “Ангрен логистика маркази” АЖ Одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб юритилади) ишини тартибга солади.

“Ангрен логистика маркази” АЖ Одоб-ахлоқ комиссияси “Ангрен логистика маркази” АЖ буйруғига асосан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш, бундай ҳолатлар содир этилганди унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида жамиятда ўз ҳурматига эга бўлган 5 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

“Ангрен логистика маркази” АЖ Одоб-ахлоқ комиссияси аъзоларидан бирортаси жамиятда бошқа лавозимга ўтса унинг комиссиядаги ўрни сақлаб қолинади. Комиссия аъзоси ишдан бўшаган тақдирда, унинг ўрнига янги комиссия аъзоси “Ангрен логистика маркази” АЖ буйруғига асосан тайинланади.

Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил 1 ноябрдаги 32-сонли буйруғи ва ушбу низомга асосан юритади.

### ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИНинг ВАЗИФАЛАРИ

Комиссия “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил 1 ноябрдаги 32-сонли буйруғининг 1-илловасига мувофиқ тасдиқланган «Ангрен логистика маркази» АЖ хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидалари талаблари бузилиши ҳолатларини кўриб чиқади.

Кўриб чиқилган иш юзасидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги ёки бузилмаганлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

Комиссия хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилган деб топилиши хизматчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

Жамият хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

Комиссия томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айни вақтда жамият раҳбарининг кўриб чиқишига қоидalar бузилишини содир этган жамият хизматчисини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади.

Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда, одоб-ахлоқ комиссияси жамият хизматчисига нисбатан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги оғоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Жамият хизматчилари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек, жамиятнинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Комиссия мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

Комиссия мажлислари очик тарзда ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Комиссия мажлисини комиссия раиси, у йўқлигида эса, унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, у раислик қилувчи ва комиссия котиби томонидан имзоланади.

Комиссия мажлислари, агар уларда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида унинг раиси комиссия аъзоларига ёзма равишда, қоида тариқасида, камида икки кун олдин хабар қилади, шунингдек мажлисининг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашган комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Комиссиянинг қарорлари комиссия раиси томонидан имзоланади.

Комиссия раиси:

Комиссия ишини ташкил этади;

Комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказиши;

Комиссия аъзоларига топшириқлар беради;

давлат органи ва ташкилотининг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан бўлган муносабатларда комиссия номидан иш юритади;

Комиссия мажлисларида комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади;

ҳар йили жамият раҳбарига комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Комиссия котиби:

Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, давлат органи ва ташкилоти ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қилади;

Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.

Комиссия аъзоси:

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга;

қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга;

кўриб чиқилаётган масалага доир ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишишга;

Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуктаи назарини баён этишга ҳақли.

Комиссияси аъзоси комиссия мажлисида ҳозир бўлиши ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Комиссия аъзоси комиссия мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмаганда комиссия раисини олдиндан хабардор этиши лозим.

Комиссия мажлисида кўрилаётган масалалар Комиссия раиси, котиби ва аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт

### **ЖАМИЯТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ (ПРОФИЛАКТИКА) ЧОРАЛАРИНИ КЎРИШ**

Комиссия давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари билан биргаликда мунтазам равишда жамият хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган куйидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:

жамият хизматчиларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;

жамият хизматчилари «ҳалоллик вакцинаси» билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;

жамиятда ходимларининг касбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий такомиллаштириш ишларини таъминлаш;

жамият хизматчиларининг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишлар ташкил этиш;

янги ишга қабул қилинган жамият хизматчиларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик суҳбатлар ташкил қилиш;

жамият хизматчиларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.

Комиссия жамият хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) борасидаги ўз фаолиятини комиссия томонидан тасдиқланадиган чорақлик иш режалари асосида олиб боради.

Жамият хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чоралари комиссия томонидан жамиятнинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда касба уюшмалари кўмиталари билан биргаликда ташкил этилади.

Жамият хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлиги йил якунлари бўйича ўтказиладиган комиссия йиғилишида муҳокама қилинади.

### **ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

Комиссия жамият хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:

Жамият раҳбарининг топшириғига кўра;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан;



жамият хизматчиларнинг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;

ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.

Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва ҳолисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан масала кўриб чиқиладиган жамият хизматчиси, зарур бўлган ҳолларда эса, мурожаат қилувчи ва бошқа шахслар таклиф этилади. Комиссия мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги мурожаатни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Комиссия мажлисида:

кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади;

жамият раҳбарининг топшириғи ёки жамият хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади;

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган жамият хизматчиси ва мурожаатчиларнинг тушунтиришлари эшитилади.

Жамият хизматчиси ўзининг ҳуқуқи, шаъни ва кадр-қиммати, ишчанлик обрўсига даҳл қиладиган мурожаат бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзини ҳимоя қилишга, комиссияга зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳақли.

Мажлис якуни бўйича комиссия жамият хизматчисининг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда комиссия томонидан жамият хизматчиларига қуйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади:

огоҳлантириш;

узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;

Жамиятнинг коллегиял йиғилишларида танбеҳ бериш.

Комиссия жамият хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун жамият раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

Комиссия томонидан қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

комиссияда олдин кўриб чиқилган мурожаат ва айнан шу мазмундаги такрор мурожаатлар;

аноним мурожаатлар;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Комиссия қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган жамият хизматчисига ва жамият раҳбарига ёзма равишда маълум қилади.

Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари жамият раҳбари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни жамият кузатув кенгаши раисига юборади.

Комиссиянинг қарори устидан жамият кузатув кенгаши раисига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Жамият хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳақидаги мурожаат унинг ташаббускори томонидан комиссия қарори қабул қилингунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

Тарафлар ярашган, шунингдек жамият хизматчиси ўз хоҳиши билан мурожаатчидан ошқора узр сўраган ҳолларда, унга нисбатан таъсир чоралари қўлланилмаслиги мумкин.

## **ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ

қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори ва бошқа амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқларга эга.

Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши ҳолатларини кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатларни тегишли тартибда сўраб олиши мумкин.

Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши ҳолатларини кўриб чиқиб хулоса беришда гувоҳларнинг оғзаки гувоҳлигига асосланиши мумкин.

### **ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

Одоб-ахлоқ комиссияси (аъзолари) ўз ваколатлари доирасида нотўғри хатти-ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этганлиги, одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши ҳолатларини кўриб чиқишда қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича хулоса берганлиги, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг келиб чиқишига сабаб бўлганлиги учун жавобгар бўлади.

“Ангрен логистика маркази”  
АЖнинг 2022 йил 1 ноябрдаги  
32-сонли буйруғига 3-илова

**“Ангрен логистика маркази” АЖ Одоб-ахлоқ комиссияси  
ТАРКИБИ**

**Комиссия раиси**

М. Артыков “Ангрен логистика маркази” АЖ Ишлаб чиқариш техника бўлими  
бошлиғи

**Комиссия котиби**

Н.Мадисманова “Ангрен логистика маркази” АЖ кадрлар бўйича етакчи инспектор

**Комиссия аъзолари**

Ш.Миржалилов “Ангрен логистика маркази” АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси  
(келишилган ҳолда)

У.Нурбоев “Ангрен логистика маркази” АЖ Фойдаланиш бўлими бошлиғи

У.Имомов “Ангрен логистика маркази” АЖ Моддий техника таъминоти бўлими  
бошлиғи